



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2012-yil, 9-oktabr. Seshanba 122 (31.554) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

Ўқувлар савияси ва таъсир кучига боғлиқ

МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИГА БОҒЛИҚ. ШУ БОИС ЎзХДПНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИДА СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИДАГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРНИ МУНТАЗАМ ВА ЮКСАК САВИЯДА ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА.

(Давоми 2-бетда.)



Партиялараро баҳс

Ўзлидеп нуқтаи назари Ўз электорати манфаатига зид

ЎзХДП эса реал ҳаёт, жаҳон тажрибаси, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бугунги даражаси талабларидан келиб чиқадиган таклифни илгари сурмоқда

ЯҚИНДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ЯЛПИ МАЖЛИСИДА «ХУСУСИЙ БАНКЛАР ВА МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Аввало таъкидлаш керакки, мазкур қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

лантириш концепцияси» асосида ишлаб чиқилган.

Ҳужжат молия-банк тизими янада ривожлантириш, хусусий банклар, лизинг, суғур-

та, микрокредит ташкилотлари ва бошқа шу каби хусусий мулкчиликка асосланган молия институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларга ти-

зимли ривожланиши учун имконият яратиш, соҳага хусусий капитални кенг жалб қилиш мақсадларига қаратилган. Қонун лойиҳаси банк ва бошқа молия бозорига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга, замонавий бозор инфраструктурасини ривожлантиришга янада қулай шарт-шароит яратди.

(Давоми 2-бетда.)

Ифтихор

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИНИНГ ЁРҚИН ИСБОТИ



ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЭРОНДА ЎТКАЗИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЧЕМПИОН БЎЛДИ! БУ ЮКСАК ТАРИХИЙ ГАЛАБА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИ ВА КАМ БЎЛМАСЛИГИНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ИСБОТИДИР.

Бугун шуни гурур ва ишонч билан айтиш керакки, бу галабанинг асосий омили — мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар спортига кўрсатилаётган бекиёс эътибор ва ғамхўрлик билан боғлиқ.

Осиё чемпионати финал ўйинини кузатган ҳамюртларимиз яна бир нарсага икром бўлишди: мамлакатимиз истеъодларга бой. Ватанимиз шарафини катта мусобақаларда муносиб ҳимоя эта оладиган футболчилар авлоди вояга етмоқда. Бунга, айниқса, Япония терма жамоаси билан бўлган ўйинда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Учрашувнинг 6-дақиқасидаёқ футболчиларимиз кутилмаганда ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборди. Аммо ўсмирла-

римиз бугун учрашув давомида ҳар жihatдан галабага чанқоқлигини намойён этди. Танафусдан сўнг, 51-дақиқада Ақобир Тўраев киритган гол эвазига ўртадаги мувозанат тикланди — 1:1.

Учрашувнинг асосий вақтида дарвозаларга бошқа тўп киритилмади. Натijaда навбатдаги Осиё чемпиони пенальтилар сериясида аниқланди ва унда омад **ЎЗБЕКИСТОН** ўсмирларига кулиб бокди. Икtidорли дарвозабонимиз Сарвар Каримовнинг маҳорати эвазига япониялик ўсмирларнинг руҳи «синди». Ҳамюртларимиз пенальтилар сериясида катта фарқ билан галаба қозонди — 4:1!

4-бет



ЧЕМПИОНГА ХОС ЎЙИН

КАЛИНИНГРАД ШАҲРИДА ЖИСМОНИЙ ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА Х ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ДАВОМ ЭТАЯПТИ. УНДА ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ЎН ИККИ ТЕРМА ЖАМОАСИ ФОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРМОҚДА.



Қатнашчилар қуръага кўра, икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритишяпти. 2007 ва 2010 йиллардаги жаҳон чемпиони — Ўзбекистон терма жамоаси «В» гуруҳида Туркия, Украина, Япония, Англия ҳамда Либерия футболчилари билан кейинги босқич йўлланмаси учун куч синашмоқда. Даст-

лабки турда ҳамюртларимиз Туркия терма жамоасига қарши майдонга тушиб, чемпионга хос ўйин намойиш этишди ва йирик ҳисобда (6:1) галаба қозонишди.

Кеча Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги учрашувни Япония вакилларига қарши ўтказди.

Мавзурўжа Умархўжаев бош мураббийлигидаги терма жамоамиз бугун либерияликлар билан куч синашди.

Чемпионнинг «А» гуруҳидан Россия, Аргентина, Польша, Эрон, Сальвадор ва Гана терма жамоалари жой олган.

(Ўз мухбиримиз.)

Эркин КОМИЛОВ,

Ўзбекистон халқ артисти:

— БОТИР УКА, ГАЗЕТА ЎҚИСАНГ ЗЎРИДАН ЎҚИ. «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ОЛСАНГ, ТЕАТРДА ҲАМКАСБЛАР ЎҚИЙДИ, УЙГА ОЛИБ БОРСАНГ, ФАРЗАНДЛАРИНГ, НЕВАРАЛАРИНГ ЎҚИЙДИ...

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|-------------------|---------|--------------------|---------|--------------------|---------|
| 1 Евро | 2519,67 | 1 Дания кронаси | 339,59 | 1 Хитой юани | 309,67 | 1 Туркия лираси | 1078,14 |
| 1 АҚШ доллари | 1945,94 | 1 БАА дирҳами | 529,81 | 1 Украина гривнаси | 243,46 | 1 Швейцария франки | 2089,94 |
| 1 Россия рубли | 62,82 | 1 Миср фунти | 319,48 | 1 Малайзия рингити | 635,93 | 10 Жанубий | |
| 1 Австралия доллари | 1979,02 | 1 Испания кронаси | 15,99 | 1 Польша злотийси | 621,15 | Корея вони | 17,53 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3137,63 | 1 Канада доллари | 1991,75 | 1 СДР | 3005,02 | 10 Япония иенаси | 247,39 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Миллий матбуот марказида

ЙЎЛЛАР

РАВОНЛИГИ

турмушимиз фаровонлигига хизмат қилади

3-бет

ЎзЛиДеП нуқтаи назари ўз электорати манфаатига зид

ЎзХДП эса реал ҳаёт, жаҳон тажрибаси, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бугунги даражаси талабларидан келиб чиқадиган таклифни илгари сурмоқда

Қонун лойиҳасида хусусий банклар ва молия институтлари устив фонднинг элик фоизидан ортги жисмоний шахслар ҳамда устав фондидан давлат улуши бўлмаган юридик шахслар томонидан шакллантирилши тўғрисида меъёр килритилмоқда. Хусусий банклар ва молия институтларининг фаолиятига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний аралашшига йўл қўймайдиган қоидалар назарда тутилмоқда. Шунингдек, хизматлар учун тарифлари мустақил белгиланган, фаолиятни амалга ошириш эркинлигининг кафолатлари мустаҳкамланаяпти. Умуман, қонун лойиҳаси хусусий банклар ва молия институтларига тенг имконият яратишга ҳамда улар фаолиятининг давлат кафолатлари тизimini кучайтиришга қаратилган.

Муҳокамалар чоғида Ўзбекистон ХДП фракцияси қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга ўз нуқтаи-назарини илгари сурди.

Фракция хусусий банк ва хусусий мулкка асосланган молия институтлари тизimini оқилона тартибга солиш улар фаолиятининг ижтимоий йўналтирилганлик даражасини кучайтиради, деб ҳисоблайди. Банк соҳасида рақобатнинг кучайиши иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, замонавий бозар инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибиде бу соҳанинг улуши ортиб боришига, хусусий, оилавий тадбиркорлик ривожига катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон ХДП ишондики, қонун молия-банк тизimini янада ривожлантиришга хизмат қилади ва мамлакатимиз иқтисодиётида инвестиций фаолиқни кучайтиради ҳамда меҳнат бозорини кенгайтириш, аҳоли бандлиги даражасини оширишга кенг имкон яради. Бу эса партияимизнинг дастурий мақсадларига тўла мосдир.

— Аммо ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқдаки, агар давлат назорати бўлмаса ҳамда ушбу соҳага чегарасиз эркинлик берилса, молия-банк тизими мўрт ва заиф бўлади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова**. — 2008 йилда бошланган бугунги бора чуқурлашув тенденциясига эга бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айнан банк тизимидан, молия-банк соҳасидеги ўта либераллашув ва назоратнинг йўқлиги оқибатиде келиб чиққан фикр-мулоҳазани эркин исботдир. Фақат чуқур ўйланган ва оқилона сиёсат, давлат ўзининг бош ислохотчи-

лик функцияларини самарали бажариб келаётгани, банк тизимининг давлат томонидан муттасил қўллаб-қувватлаб келинаётгани, бу соҳада давлат назорати ўз меъёрида олиб борилгани натижасиде мамлакатимиз банк-молия соҳаси, иқтисодиётимиз катта талофатлар ва йўқотишлардан сақланмоқда.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, фракцияимиз хусусий банклар билан молиявий институтлар фаолиятини тартибга солишда албатта давлатнинг мўтадил назорати бўлишини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатлари доирасиде бу назорат молия-банк тизими хавфсиз ривожланишини ва улар хизматларидан фойдаланувчиларни, шу жумладан, тадбиркорларнинг ҳам, омонатчиларнинг ҳам манфаати ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

— «XXI asr» газетасининг 4 октябр сонида чоп этилган мақолада либераллар ЎзХДП фракцияси банклар фаолиятиде давлат назоратини кучайтиришни талаб этмоқда, деб бизнинг позицияимизни нотўғри талқин қилди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Анавар Бойқулов**. — Аслида биз банклар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишини кучайтириш эмас, амалдаги қонунларда мавжуд, ҳар жиҳатдан ўзини оқлаган назорат функцияларини сақлаб қолиш тарафдоримиз. Давлат назоратини ҳаддан ташқари сувайтириш юборишга қаршимиз.

Ҳаммамизга яхши маълумки, бугунги кунда боши берк кўчага кириб қолган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ривожланган мамлакатлардаги банк-молия соҳасиде яратиб берилган чексиз эркинликларнинг натижасидир. Бу эркинликлар бугунги кунда, Испания, Италия, Греция, Португалия каби давлатлар аҳолисининг норозилиқлари, оммавий тартибсизликларга олиб келди. Бундай ноҳуш ҳолатлар вақт ўтиши билан камайиш ўрнига кенгайиб бораёпти.

Тажрибадан кўриниб турибдики, банклар ва молия институтларининг фаолияти юзасидан давлат назорати меъёрларининг сувайтирилиши банк ва молия тизими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, молиявий пирамидалар, молиявий кўпиклар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Биз либераллар қўллаб-қувватлаётган ва инқирозга олиб келадиган йўлдан эмас, ватанимиз янада гуллаб-яшнашига хизмат қиладиган, халқимизнинг эртанги фаровон турмушини кафолатлайдиган йўлдан бораверишимиз керак.

Бу «ҳаддан зиёд эҳтиёткорона ёндашув», «хусусий банк ва молия тизимига ишончсизлик» эмас, балки узоқни ўйлаб, реал ҳаёт, жаҳон тажрибаси, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бугунги даражаси талабларидан келиб чиқадиган нуқтаи назардир.

— Бу қонун кучга кирганидан сўнг унинг меъёрлари бошқа қонунлар билан биргалиқда қўлланади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова**. — Айнан банк тизими фаолиятини тартибга солиётган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Суғурта фаолияти тўғрисида», «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунлик ҳужжатлари шулар жумласига қамраб олинади.

ЎзХДП хусусий банклар ҳамда бошқа молия институтлари фаолияти устидан давлат назоратини янада кучайтириш таклифини илгари сураётгани йўқ ва бундан манфаатдор ҳам эмас. Биз аввало бу тизим келажакда барқарор ишлаши, банк-молия хизматлари соҳасиде рақобатнинг кучайиши, хизмат кўрсатиш сифатининг ортиши, энг муҳими, бундан жамиятимизнинг барча қатлами — тадбиркорлар ҳам, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар ҳам манфаатдор бўлиши тарафдоримиз. Илгари сураётган таклифимиз айнан ана шу мақсадга қаратилган.

ЎзЛиДеП фракциясининг фикрича, хусусий молиявий-кредит институтлари фаолияти текширувларини сезиларли равишда чегаралаш ва тартибга солиш уларнинг молиявий хизматлар тезкор ривожланаётган бозорларидеги эркинлигини таъминлайди.

ЎзХДП ҳам давлат органлари, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари хусусий банк ва молиявий институтларининг кредит портфели ва бошқа активларнинг шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик хавфларини бошқариш бўйича фаолиятига аралашшига мутлақо қарши. Партияимиз фракциясининг нуқтаи назари улар фаолиятига аралашши ҳақида эмас, мўтадил давлат назоратини сақлаб қолиш тўғрисида кетаяпти. Бу иккаласининг жуда катта фарқи бор.

Хусусий банклар ва молия институтлари махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган иқтисодий нормативларга қатъий риоя этиши керак. Бундан ташқари, ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туриш, активларни таснифлаш асосиде шубҳали ва ҳаракат-

сиз активларга қарши захираларни ташкил этиш, шунингдек, зарар кўриш хавфини камайитириш мақсадида ўз активлари диверсификацияланишини таъминлаш, ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ҳужжатларни ўз архивиде сақлаш каби мажбуриятларни сўзсиз бажариши зарур.

— Амалдаги қонунларга кўра, Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредитдорлар манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солишда ҳамда назорат қилади, банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни белгилайди. — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Уллубек Зокиров**. — Марказий банкнинг топшириғига кўра, банклар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг газна ижросига доир операцияларни бажаради.

2011 йилнинг ноябрида юртимизга ташриф буорган Халқаро Валюта жамғармаси миссиясининг баёнотида, жумладан шундай дейилади: «Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди».

Жаҳон тажрибаси кўрсатаёптики, банк-молия тизимидеги беқарорлик бутун мамлакат тараққиётини ортага тортади. Битта банк банкротга урса, бу қанча одамнинг сарсон-саргардон қилади. Нафақат банк-молия тизимининг барқарорлигига, балки оддий фуқаро, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва у ерда иш билан банд ходимлар манфаатига салбий таъсир кўрсатади.

Биз ривожланган мамлакатлар тажрибаси, банк-молия соҳасидеги ютуқ ва камчиликларини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бундан тегишли хулоса чиқариб, мамлакатимиз банк-молия тизimini янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлашга эришишимиз зарур. Қабул қилаётган қонунларимиз айнан ана шу мақсадга хизмат қилиши керак. Фракцияимиз нуқтаи назари шундай...

ЎзЛиДеПнинг позициясини эса ўз электорати манфаатига зид, деб ҳисоблаймиз.

Бехўд ШУКУРОВ

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ НУҚСАЛТИРИШ

Ўқувлар савияси ва таъсир кучига боғлиқ

Жойларда ташкил этилаётган семинарларда электорат вакиллари, айниқса, ёшлар катта қизиқиш билан иштирок этиб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Электорат вакиллари ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб этишда, мустақам фуқаролик позициясини шакллантиришда бу муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ жойларда ўтаётган ҳамма семинарлар ҳам юқори савияда ташкил этилмайди, деб бўлмайди. ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши ҳузуридаги сайёр ўқув семинарининг «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзусидаги навбатдаги машғулоти Данғара туманида бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгашининг масъул ходимлари, шаҳар ва туман кенгаши вакиллари ҳамда қўшниқлар, партия фаоллари иштирок этди.

Мавзу долзарблигига қарамай, семинарда қутилган фаолиқ, жонли баҳс-мунозара етишмади. Бунинг бош сабаби — маърузачилар ўзлари тайёрлаб келган умумий мазмундаги матнларни бир хил расмий оҳанда ўқиб эшиттиришди. Маърузалардан сўнг фикр алмаштириш қийин бўлди, аниқ тақлифлар айтилмади. Чунки маърузачилар семинар иштирокчилариде қизиқиш уйғотмади, фикр уйғотмади, уларга таъсир кўрсатмади.

Табиийки, бундай тадбирларнинг самараси бўлмайди, қайтаги иштирокчиларни сиёсий ўқувлардан кўнглини совутади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши сиёсий ва

фуқаролик маърифати тизимидеги ўқувларни ташкил этиш бўйича маҳаллий кенгашларга тавсия ва қўлланмаларни мунтазам равишда юбориб туради, тарғиботчиларга амалий ёрдам кўрсатади. Аммо бу имкониятлардан ҳамма жойда ҳам самарали фойдаланилмаяпти. Хўш, нега шундай?

Биринчи навбатда, сиёсий ўқувга мавзудан келиб чиқиб пухта тайёргарлик кўриш лозим. Унинг қизиқарли ўтиши учун қўшимча мавзалардан, ҳаётий мисоллардан фойдаланиш талаб этилади. Ўқувни интерфаол усуллар, яъни фикр алмашув, мулоқот тарзида ўтказиш иштирокчиларнинг қизиқишини орттиради. Сиёсий ўқув доимий ҳаракатдаги жараён бўлгани учун унинг иштирокчилари ҳар гал бир хил аудитория бўлиб қолишига йўл қўймайди, мавзу моҳиятидан келиб чиқиб, малакали мутахассисларнинг тақлиф этиш, масала талқинига чуқурроқ ва атрофлича қизиқиб бориш лозим бўлади. Агар ҳар бир партия ташкилоти мазкур жиҳатлар устиде чуқур мулоҳаза юритса, бу ўқувларнинг самараси ва таъсирчанлиги ортишига хизмат қилади.

Ҳозир тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ўқув машғулотлариде умумэтироф этилган илгор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кўпроқ фойдаланиш зарур. Шунда қайси даражада ташкил этилмасин, сиёсий ўқувларнинг аҳамияти, таъсирчанлиги юқори бўлади, кўзланган мақсадга эришилади.

Муҳаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ижтимоий ҳимоя

Ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш

асосий вазифамиз, — дейди Олтинсой туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Баҳодир Тоғаев

Сурхондарё вилояти марказидан қарий 150 километр олисда жойлашган мазкур туманда айни кунларда 150 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан меҳнатга лаёқатли киши 80 минг 300 нафардан ортиқ бўлиб, уларнинг асосий қисми ёшлар ва хотин-қизлардир.

Жойларда ижтимоий қатлам вакиллари қўллаб-қувватлаш, доимий иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида «2012 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»га асосан, жорий йилнинг ўтган ойларида 3 минг нафарга яқин киши янги иш ўринлари билан таъминланди.

— Бу борада Меҳнат бозори ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратганимиз, — дея сўзини давом эттирди марказ директори. — Бугунча олти марта ана шундай тадбир ўтказилган бўлиб, 600 нафарга яқин киши доимий иш жойлари билан банд этилди, 400 га яқин кишига эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тумандаги 8 та касб-ҳунар коллежини бу йил 2 минг 900 нафарга яқин йигит-қиз битирган бўлса, уларнинг аксарияти алақачон ўзлари танлаган касб бўйича иш билан таъминланди.

Туман ҳокимлиги, ЎзХДП туман кенгаши, прокуратура, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигиде яқинда ташкил этилган навбатдаги Меҳнат ярмаркасида туманда фаолият кўрсатаётган

75 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 258 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Қатнашчилардан 215 нафари янги иш ўринлари билан таъминланган бўлса, уларнинг 120 таси касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳамда хотин-қизлардир.

— Яқинда Олтинсой педагогика коллежини тугаллаганимиз, — дейди Инобат Маҳмудова. — Бугун эса туманда 4-сон мактабга таълим муассасасига ишга қабул қилинди.

— «Қаҳрамон-Кувонч» хусусий фирмасиде касанача бўлиб ишлаяпман, — дейди «Курама-1» маҳалласиде яшовчи Норгул Ўшқобилова. — Биз тайёрлаётган 50 турга яқин зардўрил маҳсулотлари арзон ва харидорлиги билан ажралиб туради. Қисқа даврда қўллаб-қўрғазмаларда қатнашишга муяссар бўлдим. Касбимдан, турмушимдан хурсандман.

Дарҳақиқат, туманда бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилган таъйини одамлар барқарор иш билан таъминланмоқда, ҳаётдан мамнун бўлмоқда.

(Ўз мухбиримиз.)

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

ЎзХДП ҚАШҚАРДАРЁ ВИЛОЯТИ, ДЕҲҚОН-ОБОД ТУМАН КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Унда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш жараёнида депутатлар фаолиқини кучайтириш бўйича фикр алмашилди. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари

фаолияти такомиллаштириш, хусусан, муайян ижтимоий масалалар юзасидан мукобил тақлифлар илгари сурилиши, тегишли Давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурлари ижроси назорат қилиниши сиёсий партия дастурий мақсадлари

га эришишда муҳим омилдир, дейишди сўзга чиққанлар.

Давра суҳбати иштирокчилари мавзу юзасидан туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи фаолиятини таҳлил этиб, амалий фикр-мулоҳаза билдиришга эътибор қаратди.

— Ўтган йили халқ депутатлари туман Кенгашининг 3 та сессияси бўлиб ўтди, — деди **ЎзХДП туман кенгаши расиси Ашур НОРБОВЕВ**. — Партияимиз депутатлик гуруҳи ташаббуси

билан электоратимиз манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган 2 та масала сессия муҳокамасига қўйилди. Хусусан, туманда яқка тартибда уй-жой қурилишининг мавжуд ҳолати, шунга доир тегишли қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлаш масалалари таҳлил этилиб, сессия қарорлари қабул қилинди. Муҳими, депутатлар ташаббуси ҳудудни ривожлантириш, электорат манфаатини ҳимоя қилишда долзарб аҳамият касб этди.

Депутатлик гуруҳининг ишини янада жонлантириш кўп омирларга боғлиқ. Улардан бири партияимиз туман кенгаши билан депутатларимиз ҳамкорлигини мус-

таҳкамлаш керак. Ўзаро фикрлашиб, имкониятларни бирлаштириб ҳаракат қилсақ, ишимиз самарали бўлади.

Сўзга чиққанлар, шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини таллаш даражасига олиб чиқиш, уларнинг депутатлар билан яқин алоқасини таъминлаш зарурлигини таъкидлашди.

Давра суҳбатиде мавзу бўйича билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосиде халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг аниқ ва амалий ташаббусларини кўпайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилрабо АЪЗАМОВА,
ЎзХДП фаоли.



Миллий матбуот марказида

ЙЎЛЛАР РАВОНЛИГИ ТУРМУШИМИЗ ФАРАВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Жорий йилнинг ўтган даврида Миллий магистрал таркибига кирувчи 220 километрдан ортиқ автомобиль йўли қурилди ва таъмирланди

«ЎЗАВТОЙЎЛ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН «РЕСПУБЛИКА ХУДУДИДАГИ УМУМИЙ ФЙДАЛАНУВДА БЎЛГАН ҲАМДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АВТОМАГИСТРАЛИ ТАРКИБИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ САҚЛАШ, ТАЪМИРЛАШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР» МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ.



190-208 километри, «Самарқанд — Ашхобод — Туркманбобо» автомобиль йўлининг Самарқанддан ўтувчи 63-116 километри ораллигидаги 10 километри, «Сақарш» автомобиль йўлининг Самарқанд — Қарши» автомобиль йўлининг 6-57 километри, «Гулистон — Охангарон» автомобиль йўлининг Тошкент вилоятидан ўтувчи 68-105 километри ва бошқа йўл ҳамда кўприклар қуриш ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз автомобиль йўллари тармоғи жами 184 минг километр узунликда бўлиб, ундан 42654 километри — умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Қолганлари ички хўжалик қишлоқ автомобиль йўллари, қишлоқ ва шаҳар кўчалари, корхоналарга қарашли йўллар, идоравий инспекторлик йўллар ҳисобланади.

тўғрисида»ги қарорига асосан айни пайтгача республикаимизда 1440 километр йўл янгитдан қурилди ва тубдан реконструкция қилинди. 12420 километрдан ортиқ йўл таъмирдан чиқарилди. 2011-2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури бўйича эса жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида Ўзбек Миллий автомагистрالی таркибига кирувчи 220 километрдан ортиқ йўл қурилди ҳамда таъмирланди.

рининг айланиб ўтиш йўли» фойдаланишга топширилиши Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри, Данғара, Учкўприк ва Бувайда туманлари марказларини айланиб ўтган ҳолда, масофани йўлининг 6-57 километрига қисқартиради. Натижада «Тошкент — Андижон» йўналиши бўйича бир кунда ҳаракатланаётган 7000 дан ортиқ автотранспорт воситаларига қисқа вақт ҳамда ёқилгини тежаган ҳолда манзилга етишига имкон яратилади.

вестиция дастурига кўра, 2015 йилга қадар Миллий автомагистрал таркибидидаги автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилиниши, умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари учун қиймати 34,9 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган 444 донa машина-механизм техникалари ҳамда усуналар харид қилинади. Шунингдек, 24 та йўл қуриш ва таъмирлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳамда саноат базаларини модернизация қилиш режалаштирилган.

Жумладан, жорий йил охирига қадар умумий фойдаланувдаги халқаро ва давлат аҳамиятига молик бўлган 398 километр автомобиль йўллари капитал ва ўрта таъмирлаш кўзда тутилган. Булар учун 225 миллиард сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, маҳаллий ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш учун 223 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиши белгиланган.

Матбуот анжуманида йўл қурилишига алоқадор турли маълумотлар билан бирга журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам батафсил жавоб олди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Хориж

АВТОМОБИЛЬ БОШҚАРИШ

ҳуқуқи берилади

Американинг Калифорния штатида яшаётган нолегал муҳожирларнинг маълум қисмига автомобиль бошқариш ҳуқуқи берилмайдиган бўлди.



Шундай қилиб, дейилади «Associated Press» АА хабарида, Калифорния Оқ уй маъмурияти томонидан муҳожирларга кўмак бериш бўйича сйллов олдидан қабул қилинган дастурнинг маълум бир банди ижросини ба- жарган биринчи штатдир.

Маълумки, дастурда ёш нолегал муҳожирларга ижтимоий сугурта, ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда ўқиш учун молиявий кўмак олиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилган. Фақат муҳожирнинг ёши 31 дан ошмаган ва бирор-бир жиний қилмишига аралашмаган бўлиши шарт.

«The Sacramento Bee» газетасида ёзишларича, айни пайтда Калифорнияда 2,5 миллионга яқин муҳожир яшамоқда.

УЧ НАФАР ЖАБРАНУВЧИ

кинотеатр маъмуриятини судга берди

Жорий йилнинг 20 июлида Колорадо штатининг Аврора шаҳридаги «Century Augusta 16» кинотеатрида Бетмен ҳақида кино намойиши қилинган пайтда Колорадо университети докторанти Жеймс Холмс томонидан содир этилган отишмада жабрланганлардан уч нафари кинотеатр соҳиби бўлмиш «Cinemark USA Inc» компаниясининг хавфсизлик чораларини кўрмагани учун судга берди.



Даъвогарлар тоvon пули тўланишини талаб қилмоқда. «CNN» хабарига қараганда, даъвогарлардан бири Дениз Трейном сонидан, Брендон Аксельрод тиззасидан, Жошуа Ноулан эса қўлидан ўқ еб, яра- ланган.

Эслатиб ўтамиз: Холмсининг кинотеатрда содир этган жинояти оқибатида 12 киши ҳаётдан кўз юмган, 58 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Хозир Холмс жинояти устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Реклама

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ

2012 йил 9 ноябрь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказиш

Савдоларга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Султонга кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармасининг уй-жой коммунал ва мехмонхоналар хўжалиғи балансидаги 1988 й. и/ч., бошланғич нархи 46620,85 сўм бўлган «Муравей» русумли мотороллер; 1983 й. и/ч., бошланғич нархи 427163,75 сўм бўлган «МП-1600» русумли мотопомпа; 1998 й. и/ч., рўйхат рақами 10А722, бошланғич нархи 252732,60 сўм ва рўйхат рақами 10А721, бошланғич нархи 2445920,85 сўм бўлган «Jet Ski» русумли иккита гидроцикл; 2003 й. и/ч., рўйхат рақами 10А724, бошланғич нархи 7271912,52 сўм ва рўйхат рақами 10А723, бошланғич нархи 6741832,31 сўм бўлган «GLASTRON SX 170» русумли иккита катер; 1997 й.и/ч, д/р 01/535 PPP, бошланғич нархи 5151180,32 сўм бўлган «Нексиа»; 2000 й.и/ч, д/р 01/519 PPP, бошланғич нархи 1658534,14 сўм ва д/р 01/306 JBA, бошланғич нархи 2701341,44 сўм бўлган иккита «ГАЗ-3102»; 1997 й.и/ч, д/р 01/512 PPP, бошланғич нархи 2555433,34 сўм бўлган «УАЗ-31515»; 1991 й.и/ч, д/р 10АС254, бошланғич нархи 2854839,75 сўм бўлган «УАЗ-44704»; 1996 й.и/ч, д/р 01/510 PPP, бошланғич нархи 3208563,71 сўм, д/р 01/527 PPP, бошланғич нархи 3563598,21 сўм, д/р 01/529 PPP, бошланғич нархи 3653904,06 сўм, д/р 01/532 PPP, бошланғич нархи 3697741,84 сўм бўлган тўртта «Дамас» русумли автотранспорт воситалари кўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Бу- юртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб-рақамига тўланади.

Савдо фолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тўзлу- гунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Маъмур автотранспорт воситалари юқорида бел- гиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда нав- батдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўткази- ладиган савдоларга тақроран кўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгор- лар белгиланган мuddатларда қуйидаги ҳужжатлар- ни тақдим этишлари:

- закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳуж- жати нусхаси;
- ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтган- ликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион сав- доларида ишончли вакил қатнашишида белгилан- ган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белги- ланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
- Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги ман- зилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонто- хур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар қўрсатилган ушбу манзилдан олинishi мумкин.
- Алоқа телефони (+99893) 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru гувоҳнома № 005414-05

Анжуман

ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИГА БАФИШЛАНДИ

Адлия вазирлиги томонидан «Оила қонунчилигини такомиллаштиришдаги масалалар ва уларнинг ечимлари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Қайд этиш керак, мустақиллик йилларида республикаимизда оила институтига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шу муносабат билан оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштириб берилмоқда.

Жумладан, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши назарда тулувчи қонун лойиҳасини тайёрлаш вазифаси белгиланган эди. Ана шу мақсадда вазирликда тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассисларидан иборат эксперт гуруҳи тузилди. Оила қонунчилиги хатловдан ўтказилди, халқаро тажриба ўрганилиб, миллий қонунчилик таҳлил қилинди. Натижада «Оила институти такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-про- цессуал кодекси ва Оила кодексига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, Оила кодекси билан тартибга солилмаган бир қатор масалалар қамраб олинishiга ҳаракат қилинди.

Тадбирда журналистларга оила тўғрисидаги қонунчилик мазмун-моҳияти, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, ёш оилаларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида ФХДЭ органлари қошида ташкил этилган «Еш оила қурувчилар мактаби» фаолиятига алоҳида тўхталинди. Маълум бўлишича, жорий йилнинг ўзида бу мактаб томонидан ташкил этилган машғулотларда 200 мингдан ортиқ тингловчилар иштирок этган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Раъшан ШОДИЕВ

Қинғир иш-келтирар ташвиш

ТЕРМИНАЛ ЎРНАТМАГАН, БАНККА ПУЛ ТОПШИРМАГАН...

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТИЛГАН, СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ КАМАЙТИРИЛИБ, ТАЛАЙ ИМТИЁЗ ВА ЭРКИНЛИКЛАР БЕРИЛАЯПТИ. ШУНГА ҚАРАМАЙ, МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРНИ СУМИСТЕМОЛ ҚИЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР УЧРАБ ТУРИБДИ.

Олтинсой туманидаги «Савоб-Сарҳад» ху- сусий фирмаси раҳбари Аллақул Ҳайитов ва яқка тартибдаги тадбиркор Одиложон Нуриддин ўғли ҳам ўшандай «уддабурон»лардан экан. Улар тасарруфларида бўлган савдо шохобчаларида терминал ўрнатмасдан фаолият кўрсатиб келган, фақат нақд пулга савдо қилган. Бундан ташқари, инкасса бўлими билан шартнома тузмаган, савдо пуллари банк муассасаларига топширилмаган...

Тегишли идоралар ходимлари томонидан ўтказилган текширишда «Савоб-Сарҳад» ху- сусий фирмасига қарашли савдо дўконида 17 турдаги 20 миллион 30 минг сўмлик турли товарлар, яқка тартибдаги тадбиркор Одиложон Нуриддин ўғлига тегишли шохоб- чада эса 262 турдаги 20 миллион 404 минг сўмлик махсулотлар қўнунга хилоф равиш- да сотилаётгани аниқланди.

Савдодаги махсулотлар сифати текширил- ганда уларнинг истеъмолга яроқсизлиги ва

инсон саломатлигига зарарли экани маълум бўлди. Натижада 279 турдаги 40 миллион 434 минг сўмлик озиқ-овқат, ноозиқ- овқат ва бошқа товар моддий бойликлар тегишли тартибда йўқ қилинди.

Тўғри, айбдорлар қилмишига яраша жазо олди. Лекин кишини ўйлантирадиган жиҳати, сифатсиз озиқ-овқат махсулотларини сотиб, қўни-қўшнилари, ҳамюртларини за- ҳарлаётган бу кимсаларнинг наҳот виждони қийналмаган бўлса?! Наҳот, истеъмолчилар- дан бирортаси сотиб олаётган нарсасининг яроқлилик мuddатига эътибор қаратмаган ёки сифат сертификатини сотувчидан сўра- маган?

Юқоридаги ҳолат тадбиркор маданияти, маънавияти билан бирга истеъмол мадания- ти ҳақида ҳам ўйлаб қўриш, бу борада тарғибот ишини ҳамда жамоатчилик назо- ратини кучайтириши талаб қилади.

Абдуралик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ўрнида

БОШ МАСАЛА — МИЖОЗЛАР МАНФААТИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЯНГИЛАШ ВА УНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖ- ЛАНТИРИШДА «АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.

Бугунги кунда бошқарманинг 12 та филиали ҳамда 45 та ми- нибанки томонидан 17 минг 200 га яқин миқдорда намунали хиз- мат кўрсатилмоқда. Шу боис ҳам бошқарма нафақат қишлоқ хўжалик корхоналарининг, бал- ки кичик бизнес ва хусусий тад- биркорлик субъектларининг ҳам ишончли ҳамкорига айланди.

Молиявий муассасанинг бар- қарор фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг капиталлашу- ви даражасини оширишга ва ресурс базасини мустаҳкам- лашга алоҳида эътибор қари- тилмоқда. Бунинг натижаси ўларок унинг жами кредит қўйилмаси жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, қарийб 118 млрд. сўмни ташкил этган. Шундан 23,8 фоизи қисқа му- датли, 76,2 фоизи эса узоқ му- датли кредитлардир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 апрелдаги «Озиқ-овқат мах- сулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил 1 сен- тябрь ҳолатига шу мақсадлар учун 6 млрд. 955 млн. сўм миқ- дорида банк кредитлари йўнал- тирилди.

Кичик бизнес субъектлари ви- лоят иқтисодиётида муҳим ўрин тўлдирish боис уларга ажра- тилаётган кредитлар миқдори ҳам йил сайн ўсиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тад- биркорлик субъектларини мо- лиявий қўллаб-қувватлаш мақ- садида бошқарма ва унинг фи- лиаллари томонидан жорий йилнинг 8 ойи давомида 14 млрд. 124 млн. сўм кредит маб-

лағлари ажратилди.

Молиявий кўмак жойларда янги ишлаб чиқариш корхона- лари ва цехлари ташкил этиш, мавжудларини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари яра- тиш учун хизмат қилмоқда. Ма- салан, Қўшқўпир туманидаги «Қўшқўпир силикат» масъуля- ти чекланган жамиятига қури- лиш материаллари, силикат фишт ишлаб чиқариш корхона- сини ишга тушириш учун 1 млрд. 300 млн. сўм, Гурлан ту- манидаги «Осиё» хусусий фир- масига фишт ишлаб чиқариш учун 70 млн. сўм кредит маб- лағлари ажратилди. Натижада, вилоят аҳолисининг қурилиш материалларига бўлган эhtiё- жи бирмунча қондирилишига эришилди. Янги корхоналарда 35 нафарга яқин қишлоқ йигит- қизлари муҳим иш билан таъ- минланди.

Маҳаллий ноозиқ-овқат ис- теъмол товарлари ишлаб чиқ- аришни кенгайтириш мақсадида бошқарма томонидан 5 млрд. 427 млн. сўмлик кредит маб- лағлари йўналтирилди.

Хоразм вилоятида «Бўш тур- ган, фойдаланилмаётган корхо-

налар неғизда янги ишлаб чи- қариш, сервис хизмати ва сав- до соҳаси субъектларининг са- марали фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўри- сида»ги дастури ижросини таъ- минлаш мақсадида банкнинг ҳудудий филиали томонидан хизмат кўрсатилаётган «Карвон мебель савдо» хусусий корхо- насига пластик ойна-ошик ром- лар ва мебель жиҳозларини ишлаб чиқариши учун 150 млн. сўм миқдорида кредит ажратил- ди. Йилига 200 млн. сўмлик махсулот ишлаб чиқариш қув- ватига эга бу корхонада 5 на- фар янги иш ўрни яратилди.

— Жорий йил бошида «Агро- банк» ОАТБ Хоразм вилоят бошқармасининг Хонка филиалига ўз бизнес-лойиҳамизни тақдим қилганимиз, — дейди «Хонка че- вар» масъуляти чекланган жа- мияти директори Хуршид Бек- метов. — Ҳужжатларимиз асос- лилигига ишонч ҳосил қилиш- гач, 250 млн. сўм кредит ажра- тишди. Молиявий кўмак ва ўз маблағимиз эвазига цехимизга трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш ускуналарини олиб ке- либ, қисқа фурсатда ўрнатдик.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИНИНГ ЁРҚИН ИСБОТИ

ТАРИХИЙ ГАЛАБА

Ўсмирлар (U-16) ўртасида Осиё чемпионати Эрон, 2012 йил 23 сентябрь — 6 октябрь.

«Д» гуруҳи

1-тур, 23 сентябрь

Ўзбекистон — Ҳиндистон — 3:2
Голлар: М.Одилов — 8, И.Абдуллаев — 53-пен., И.Абдуганиев — 80, Рай Уттам — 47, 70.

2-тур, 25 сентябрь

Хитой — Ўзбекистон — 1:1
Голлар: Ху Жингханг, 43 - Жамшид Болтабоев 15.

3-тур, 27 сентябрь

Ўзбекистон — Сурия — 0:1
Гол: Субай ал-Хусийн — 32.

«Д» ГУРУҲИ. ЯКУНИЙ ВАЗИЯТ

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|------------|---|---|---|---|-----|---|
| Сурия | 3 | 1 | 2 | 0 | 2-1 | 5 |
| Ўзбекистон | 3 | 1 | 1 | 1 | 4-4 | 4 |
| Хитой | 3 | 0 | 3 | 0 | 4-4 | 3 |
| Ҳиндистон | 3 | 0 | 2 | 1 | 4-5 | 2 |



Чорак финал, 30 сентябрь

Жанубий Корея — Ўзбекистон — 1:1 (пен. бўйича — 3:5)
Голлар: Ақобир Тўраев — 65, Хванг — 90+3.

Ярим финал, 3 октябрь

Эрон — Ўзбекистон — 2:3
Голлар: Саидмажид Хусайний (5), Амирмуҳаммад Мазлум (89) - Достонбек Ҳамдамов (13), Изаатилла Абдуллаев (35), Отабек Шукуров (43).

Финал, 6 октябрь

Ўзбекистон — Япония — 1:1 (пен. бўйича — 4:1)
Голлар: Ақобир Тўраев (51) — Мизутани Такума (6).

Ўзбекистон (U-16): Сарвар Каримов, Жамшид Болтабоев, Ислоҳ Исмоилов, Ақромжон Комилов, Улуғбек Давлатов (Илҳом Абдуганиев, 64), Равшан Хурсанов, Иброҳим Абдуллаев, Ислоҳбек Каримов, Достонбек Ҳамдамов (Аҳмад Аҳмаджонов, 46), Отабек Шукуров (с), Ақобир Тўраев (Алишер Мирзаев, 90).

Япония (U-16): Нагасава, Ишида (Хироки, 78), Сузуки, Мотеги, Ватару, Сугимото, Аояма (Коки, 57), Мизутани Такума (88), Миямото, Миши, Казуя (С).

Ҳакамлар: Абдулрахмон Абду (Қатар), Абдуллоҳ Ал Шалвай (Саудия Арабистони), Хсу Мин Ю (Хитой-Тайпеи), Стребре Деловски (Австралия).
Комиссар: Жерри Хуанг Сонг (Хитой).

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ!

7 октябрь. Соат 16.00. Тошкент халқаро аэропорти. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини ўз бағрига олган ҳаво кemasининг кўнишига ҳали салкам бир соат вақт бор. Аэропортнинг кутиш майдончаси қўлларидан гулдаста ва Ватанимиз байроғини кўтариб олган футболчиларнинг ота-оналари, ака-укалари, журналистлар, Ўзбекистон футбол федерацияси мутассаддилари ҳамда минглаб мухлислар билан гавжум. Уларнинг чеҳрасида қувонч балқиб турибди. Карнай-сурнай, кўшноғарларнинг садолари оламни тутади... Фурсатдан фойдаланиб, улардан айримларини суҳбатга тортидик.

Давлат ТУРДИАЛИЕВ, Ўзбекистон телерадиоканали «Спорт» директори:

— Шубҳасиз, ўсмирларимиз бутун халқимизга тарихий галабани туҳфа этди. Тўғри, бунгача Ўзбекистон миллий терма жамоаси XII Осиё ўйинларида чемпион, ёшлар ва ўсмирларимиз қитъа чемпионатларида совриндор бўлишганди. Аммо мамлакат ўсмирлар терма жамоасининг бу ютуғида жуда катта маъно-мазмун бор. Ҳамон эсимда, айнан шу ёшдаги футболчиларимиз илк маротаба қатнашган мусобақаларида Саудия Арабистони ўсмирлар терма жамоасидан 1:7 ҳисобида енгилган. Уммон ва Хитой вакиллари ҳам катта фарқ билан ютқазилган. Ушанда кўпчилик футболбозимиз келажакга ишончсизлик билан қарай бошлаганини яширмаймман. Кейинги йилларда ўсмирларимиз халқаро майдонда эришадиган ижобий натижалари билан нафақат Осиёда, балки жаҳонда ҳам ўз ўрнини топиб боришмоқда.

Бу галаба аввало юртимизда Президентимиз томонидан спортга, айниқса, болалар спортга берилган катта эътиборнинг самараси, деб биламан. Бугун ҳар бир вилоятда, кўпга тўғри келганида, шунингдек, футбол клубларимиз қoшида болалар футбол мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги тарихий юртимизнинг деярли барча вилоятларидан ёш футболчиларнинг жалб қилинганлиги ҳам жойларда футбол ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Мамадали ТУРДИАЛИЕВ, Жамшах вилояти Пахтакор туманидан ташриф буюрган ота-она:

— Ёшим салкам саксонда. Ўсмирларнинг Осиё чемпионатидаги ҳар бир ўйинини ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб бордим. Дарвозабон Сарвар Каримов — махалладошим. У оддий оиланинг фарзанди. Сарварни болалигидан яхши биламан. Терма жамоамизнинг бу галабасида унинг катта ҳиссаси борлигини ҳамма кўрди. Айниқса, Жанубий Корея ва Япония футболчилари билан ўйинларда пенальтиларни қайтарган чоғида кўзларимга ёш келди. Уни ўстирган ота-онасига, тарбиялаган мураббийларига раҳмат айтдим, дуо қилдим. Ўсмирларимиз сафардан қайтишни эшитгач, уларнинг қувончига шерик бўлиш учун Пахтакор туманидан келдим. Барака топсин улар, илоҳим! Ўсмирларимиз улкан натижалари билан акаларига ибрат бўлганлигидан кўксим тоғдек кўтарилди.

Нилуфар СИДДИҚОВА, терма жамоа аъзоси Жавохир Сиддиқовнинг онаси:

— Болаларимизнинг ҳар бир ўйини диққат билан кузатиб бордим. Улар катта қийинчилик билан чорак финалга чиққанида, рақиб — Жанубий Корея футболчиларидан хавотирлангандик. Аммо болаларимиз бутун учрашув давомида ташаббусни ўз қўлига олиб, юзимизни ёруғ қилганидан хурсандимиз. Шундан кейин уларнинг Эрон ва Япония терма жамоаларини енгити-

шига ишона бошладик.

Шундай қувончли лаҳзаларда фурсатдан фойдаланиб, фарзандларимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб берган Юртбошимизга ўз миннатдорчилигини билдираман. Илоҳим, ўсмирларимиз келгуси йили Бирлашган Араб Амирликларида бўладиган жаҳон чемпионатида ҳам юзимизни ёруғ қилиб, халқимиз ишончини оқласин!

Аэропорт суҳандони ниҳоят биз кутган ҳаво кemasи Тошкентга келиб кўнганлигини эълон қилди. Минглаб мухлислар карнай-сурнай садолари остида Осиё чемпионати олтин медаллари совриндорлари, Ватанимизнинг музаффар ўғлонларини кутиб олишди...

Отабек ШУКУРОВ, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сардори:

— Ҳозир кўнглимдан ўтаётган туйғуларни бир-икки оғиз сўз билан ифодалаб беришим қийин. Осиё чемпионатидаги ҳар бир учрашув биз учун жуда қийин кечди. Аввалига гуруҳ ўйинларида қаттиқ ҳаяжонландик. Натижада кутилганидек футбол намойиш эта олмадик. Чорак финалга йўлланма олгач, мураббийларимиз бизни олдинда жаҳон чемпионати кутаётгани, бунинг учун Жанубий Корея футболчиларини енгизишимиз зарурлигини ўқтиришди. Рақибимиз қанчалик кучли ва номдор бўлмасин, жамоамизнинг аҳиллиги ва иноқлиги эвазига муҳим галабани қўлга киритдик. Ярим финалдаги жамоалар билан олдин ўртоқлик ўйинларида куч синашганимиз бизга фойда берди.

Финал учрашуви тугагач, кўзларимга ёш қуйилиб келди. Шундай ҳаяжонландимки, биз томон олиб келинаётган кубокни кўриб, бутун вужудимда титроқ уйғонди... Бизга катта шароитлар яратиб берган Юртбошимизга жамоадoshларим номидан раҳмат айтман. Энди келаси йили бўладиган жаҳон чемпионатида пухта тайёргарлик кўриб, Осиё чемпионатида қўлга киритган галабамиз тасодиф эмаслигини исботлашга ҳаракат қиламиз.

Сарвар КАРИМОВ, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси дарвозабони:

— Осиё чемпионатида бирорта осон ўйин бўлгани йўқ. Икки учрашувда жамоамиз пенальтилар сериясида галаба қозонди. Ҳар бир учрашувда жамоадoshларим галаба учун кураш олиб боришди. Албатта, пенальтилар сериясида менинг зиммамга катта масъулият оқланарди. Ўртоқларим ҳар бир зарбани аниқ бажарганида мен хато қилишим мумкин эмасди. Қолаверса, ўйинларимизни бутун халқимиз ойнаи жаҳон орқали кузатиб бораётганлиги, мухлислар бизни қўллаб-қувватлаб турганиларини мураббийларимиз бизга эслатиб туришди. Бу эса кучимизга куч қўшди ва ҳозир ана шу ишончни оқлаганимиздан жуда хурсандман.

Дилшод НУРАЛИЕВ, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи:

— Бу мусобақада жамоамиз олдинда келаси йили ўсмирлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритиш вазифаси қўйилганди. Албатта, футболчиларимиз илк маротаба бундай йирик расмий ўйинларда қатнашаётгани боис, кучли ҳаяжон сезилиб қолди. Натижада гуруҳ босқичида ўз ўйинимизни кўрсата олмадик ва катта қийинчилик билан чорак финалга йўлланма олдик.

Жанубий Корея терма жамоасини мағлубиятга учратгач, шоғирдларимда ўзларига ишонч ортди. Бу бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган Эрон жамоаси устидан ярим финалда ишончли галаба қозони-

шимизда жудаям қўл келди. Финалдаги рақибимиз ҳам кучли эди. Футболчиларимизнинг мустақкам иродаси, галабага кучли интилиши тўғрисида Осиё чемпионлигини қўлга киритдик.

Бизни олдинда янада муҳим учрашувлар кутиб турибди. Роппароса бир йилдан кейин Бирлашган Араб Амирликларида жаҳон чемпионатида қатнашамиз. Осиё чемпионатидан галаба билан қайтган бўлсак-да, ҳали қамчиликларимиз оз эмас. Мусобақа давомида хатонуксонларимиз кўзга ташланди. Энди, янги мусобақаларга тайёргарликни бошлаймиз. Қолаверса, маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда селекция ишларига кўпроқ эътибор қаратмоқчимиз. Чунки терма жамоамиз эшикларни иқтидорли футболчилар учун доимо очик. Жаҳон чемпионатида эса янада кучлироқ рақибларга қарши тўп суришга тўғри келади. Шу боис ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Ўз навбатида бизни қўллаб-қувватлаб турган кўп сонли мухлисларимизга миннатдорлик билдираман. Осиё чемпионатида эришган галабаларимиз бутун халқимизники, Ўзбекистонники, деб биламан. Бу галаба Президентимизнинг болалар футболга кўрсатаётган ғам-хўрликларининг ёрқин натижаси, деб ҳисоблайман.

Рустам АКРАМОВ, УФФ терма жамоалар маркази техник директори, Ўзбекистон спорт делегацияси раҳбари:

— Албатта, ўсмирларимизнинг гуруҳ босқичидаги ўйинларидан мухлисларнинг кўнгли тўлмаган бўлиши табиий. Шу ўринда бу сирни ошкор этмоқчиман. Мусобақа аввалида бош мураббий Дилшод Нуралиевга шундай стратегияни таклиф қилдим. Унга кўра, гуруҳ босқичида бор имкониятимизни кўрсатмасдан, чорак финалда бизга қарши қайси жамоа рақиб бўлишидан қатъи назар, унга сюрприз тайёрлашни мақсад қилгандик. Бу таклифим мураббийга ҳам ёқди. Лекин гуруҳ босқичида ўсмирлар психологиясини эътиборга олмаганимиз панд бериб қўйишига сал қолди. Яхшиямки, гуруҳдан чиқиб олдик ва Жанубий Корея футболчиларига қарши тактикамиз иш берди. Натижада жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритиб, мусобақани давом эттирадиган бўлдик. Футболчиларимизнинг қолган учрашувларда қандай ўйнаганлигини мухлислар кўрди.

Бу галабанинг замирида катта меҳнат ётибди. Аввало ҳукуматимиз томонидан футболни, айниқса, болалар футболни ривожлантиришга берилган ғам-хўрликни таъкидлашни истардим. Чунки терма жамоа аъзолари нафақат Тошкент шаҳридан, балки республикамизнинг турли вилоятларидан эканлиги кувонарлидир.

Осиё чемпионати олдинда Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан ўсмирларимиз учун бир неча хорижий давлатларда ўқув-машғулот йиғинлари уюштирилди. Шунингдек, мусобақалар бошланиши арафасида Дилшод Нуралиев бошчилигидаги мураббийлар штаби жамоа аъзолари билан 72 кун давомида машғулот олиб борди. Бир сўз билан айтганда, бундай эътибордан кейин жамоа фақат ижобий натижани қайд этиши лозим эди. Барча ишининг тўғри ташкил этилганлиги эвазига футболимиз тарихида янги саҳифа очилди, деса муболага қилмайман.

Дорҳақиқат, шундай. Бу галаба футболимиз эртанги кунига ишончимизни оширди, тарихий воқеа сифатида кўнглимизни кувончга тўлдирди. Бундай галаба унитилмайди.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



КУРАШ ОСОН БЎЛМАДИ!



ГО...О...ОЛИ!



ГАЛАБА!



ОСИЁ КУБОГИ БИЗДА!!!

Хасан ПИРМУХАММЕДОВ олган суратлар.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

| | | |
|---------------------|-----------------------------|-------------------------|
| Abdulla ORIPOV | Murodulla ABDULLAYEV | Muslihiiddin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Ochilboy RAMATOV |
| Bobir ALIMOV | Tat'yana KISTANOVA | Saidahmad RAHIMOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | (Bosh muharrir o'rinbosari) | |

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koriyabat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046

10097

nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.00

Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633



1 2 3 4 5